

*Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси Кенгашининг
2026 йил 19-майдаги 4-сонли қарори билан
тасдиқланган*

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси
Академик ҳалоллик ва этик юксалиш кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида Юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5987-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3775-сон ва 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–60-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 4 сентябрдаги 2049-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) академик ҳалоллик, тадқиқот этикаси, баҳолаш шаффофлиги, муаллифлик ҳуқуқига ҳурмат, сунъий интеллектдан этик талабларга мос ва масъулият билан фойдаланиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда таълим ва илмий фаолиятда касбий-этик маданиятни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Кенгаш Академияда таълим, илмий тадқиқот, баҳолаш, нашр, экспертлик ва академик бошқарув жараёнларида академик ҳалоллик,

тадқиқот этикаси, холислик, адолатли баҳолаш, касбий одоб-ахлоқ ҳамда сунъий интеллектдан этик талабларга мос ва масъулият билан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, мониторинг қилиш ва профилактика чораларини мувофиқлаштирувчи коллегиал орган ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлари ҳамда Академия Низоми ва Кенгаши қарорлари, Академия ректорининг буйруқлари ва мазкур Низомга амал қилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

академик ҳалоллик – таълим олувчилар, тингловчилар, магистрантлар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг таълим, илмий тадқиқот, баҳолаш, нашр, экспертлик ва академик бошқарув жараёнларида ҳалоллик, ишонч, адолат, ҳурмат, масъулият, холислик ва шаффофлик тамойилларига риоя этишидир;

академик ноҳалоллик – таълим, илмий тадқиқот, баҳолаш, нашр ёки экспертлик жараёнида ҳақиқий муаллифликни яшириш, ўзгалар меҳнати натижасини ўзлаштириш, далиллар ёки маълумотларни сохталаштириш, кўчирмачилик қилиш, рухсат этилмаган ёрдамдан фойдаланиш ёки натижага ноқонуний таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир;

плагиат – бошқа шахсга тегишли матн, ғоя, илмий хулоса, маълумот, график, жадвал, формула, дастурий код, визуал материал ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини манбасини кўрсатмасдан ёки нотўғри кўрсатган ҳолда ўз иши сифатида тақдим этишдир;

ўз-ўзини плагиат қилиш – муаллифнинг аввал эълон қилинган ёки баҳолашга тақдим этилган ишини бу ҳақда тегишли тарзда маълум қилмасдан янги мустақил иш сифатида қайта тақдим этишидир;

фабрикация – мавжуд бўлмаган маълумотлар, натижалар, манбалар, статистик кўрсаткичлар, сўровнома жавоблари ёки илмий далилларни сунъий равишда яратишдир;

қалбакилаштириш (сохталаштириш) – мавжуд маълумотлар, тадқиқот натижалари, манбалар, иқтибослар, статистик кўрсаткичлар ёки

хужжатларни атайин бузиб кўрсатиш, ўзгартириш ёки нотўғри талқин қилишдир;

контракт-читинг (contract-cheating) – таълим олувчи ёки ходим томонидан мустақил бажарилиши лозим бўлган ёзма, илмий, амалий ёки баҳолаш ишини ҳақ эвазига ёки бошқа манфаат эвазига бошқа шахсга тайёрлатиш ёки тайёр ишдан фойдаланишдир;

сунъий интеллектдан этик талабларга мос бўлмаган ва масъулиятсизлик билан фойдаланиш – силлабус, баҳолаш топшириғи, илмий раҳбар ёки ваколатли шахс томонидан белгиланган доирадан ташқари равишда сунъий интеллект ёрдамида матн, таҳлил, жавоб, код, таржима, хулоса ёки бошқа материал тайёрлаб, уни шахсий мустақил иш сифатида тақдим этишдир;

манфаатлар тўқнашуви – Кенгаш аъзоси, эксперт, профессор-ўқитувчи ёки бошқа масъул шахснинг шахсий, оилавий, хизмат, молиявий, илмий, касбий ёки бошқа манфаатлари ҳолис қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатдир.

4. Кенгаш ўз фаолиятини ҳалоллик, ишонч, адолат, ҳурмат, масъулият, ҳолислик, шаффофлик, махфийлик, пропорционаллик, профилактик ёндашув, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш принциплари асосида амалга оширади.

Академик ҳалоллик бузилишига оид ҳар бир ҳолат шахснинг ҳуқуқлари, далилларнинг етарлилиги, бузилишнинг оғирлиги, оқибати, такрорийлиги ва айб шаклини инобатга олган ҳолда ҳолис, адолатли ва пропорционал тарзда кўриб чиқилади.

5. Қуйидаги ҳаракатлар академик ҳалоллик талабларини бузиш деб ҳисобланади:

плагиат;

ўз-ўзини плагиат қилиш;

кўчирмачилик;

бошқа шахснинг ишини ўз номи билан тақдим этиш;

контракт-читинг;

ёзма, амалий ёки илмий ишни бошқа шахсга тайёрлатиш;

баҳолаш жараёнида рухсат этилмаган манба ёки техник воситалардан фойдаланиш;

сунъий интеллектдан рухсатсиз ёки яширин фойдаланиш;

маълумотлар, натижалар, статистик кўрсаткичлар ёки манбаларни сохталаштириш;

илмий ишда сохта иқтибос, мавжуд бўлмаган манба ёки нотўғри библиографик маълумотлар келтириш;

ҳаммуаллифликни сунъий равишда киритиш ёки ҳақиқий муаллифни кўрсатмаслик;

имтиҳон, оралик ёки якуний назорат натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш;

баҳолашда манфаатлар тўқнашувини яшириш;

академик жараёнда қасддан ёлғон маълумот тақдим этиш.

6. Академия ректорининг буйруғи билан Кенгаш таркиби тасдиқланган кундан Кенгаш ўз фаолиятини бошлайди.

7. Кенгаш Академиянинг 6 нафар тажрибали профессор-ўқитувчилари, 2 нафар Академиянинг мутахассиси, 1 нафар юридик соҳасидаги олий таълим муассаси профессор-ўқитувчиси, 1 нафар Касбий қайта тайёрлаш ўқув курслари тингловчиси ва 1 нафар магистратура йўналишида тахсил олаётган талаба, 2 нафар чет элдаги ватандош ва мутахассислар иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгаш таркибини шакллантиришда гендер тенглик, таълим йўналишлари хилма-хиллиги, илмий салоҳият, мустақиллик, касбий тажриба ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мезонлари ҳисобга олинади.

Кенгаш таркиби Академия ректори буйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш раиси, раис ўринбосари ва котиби, қоида тариқасида, ҳар йили бошида мазкур кенгашга аъзо Академия профессор-ўқитувчилари орасидан яширин овоз бериш йўли орқали сайланади.

Ректор, проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари ва таркибий бўлинма раҳбарлари Кенгаш мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин. Улар иштирок этган ҳолларда Кенгаш қарорларининг мустақиллиги ва ҳолислиги таъминланиши шарт.

8. Академияда магистрлик диссертациялари, илмий мақолалар, ўқув адабиётлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва Кенгаш томонидан белгиланган бошқа ишлар антиплагиат тизими орқали текширилади. Антиплагиат текшируви натижалари фақат техник фоиз асосида баҳоланмайди. Кенгаш иқтибосларнинг тўғри расмийлаштирилгани, қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий терминологиянинг объектив такрорланиши, умумий иборалар, библиографик маълумотлар, илмий услуб хусусиятлари ва эксперт хулосасини комплекс баҳолайди.

9. Қуйидаги ҳолатлар манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳоланиши мумкин:

кўриб чиқиладиган шахс билан яқин қариндошлик;
хизмат бўйсунуши;
илмий раҳбарлик ёки илмий маслаҳатчилик;
ҳаммуаллифлик;
бир илмий лойиҳа ёки тадқиқот гуруҳида иштирок этиш;
шахсий низо ёки яқин шахсий муносабат;
молиявий ёки бошқа моддий манфаатдорлик;
аввал мазкур ишни баҳолашда иштирок этганлик.

Кенгаш аъзоси ёки эксперт кўриб чиқиладиган масала юзасидан шахсий, хизмат, оилавий, молиявий, илмий, касбий ёки бошқа манфаатга эга бўлса, бу ҳақда Кенгаш раисига ёзма ёки оғзаки шаклда дарҳол маълум қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган Кенгаш аъзоси муҳокама, овоз бериш ва қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этмайди. Бу ҳолат мажлис баённомасида алоҳида қайд этилади.

10. Кенгаш раиси Кенгаш фаолиятини ташкил этишга, Кенгаш котиби эса Кенгаш фаолиятини ташкил этишга доир ҳужжатларни юритишга масъул ҳисобланади.

11. Кенгаш аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этадилар, Кенгаш аъзолари ўрнатилган тартибда моддий рағбатлантирилиши мумкин.

II. Кенгашнинг асосий вазифалари ва ваколатлари

12. Кенгаш қуйидаги вазифаларни бажаради:

Академиянинг академик ҳалоллик ва этик юксалтириш сиёсатини белгилаш, академик ҳалоллик талабларини аниқлаш, ишлаб чиқиш ва бажарилишини мониторинг қилиб бориш;

талабалар, тингловчилар ва профессор-ўқитувчилар учун мажбурий академик ҳалоллик тренингларини ўтказиш;

Академияда академик ҳалоллик ва тадқиқот этикаси сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда унинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

академик ҳалоллик талабларини бузишнинг олдини олишга қаратилган профилактика, ўқув, тушунтириш ва маслаҳат ишларини ташкил этиш;

таълим олувчилар, тингловчилар, магистрантлар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар учун академик ҳалоллик бўйича мажбурий ўқув курслари, тренинглар ва семинарларни жорий этиш;

плагиат, ўз-ўзини плагиат қилиш, кўчирмачилик, контракт-читинг, маълумотларни сохталаштириш, сунъий интеллект воситаларидан рухсатсиз фойдаланиш ва бошқа академик ноҳалоллик ҳолатларини кўриб чиқиш;

академик ҳалоллик бузилишига оид мурожаатлар, хабарлар ва материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

академик ҳалоллик бузилиши ҳолатлари бўйича ректорга интизомий таъсир чораларини қўллаш ҳақида асослантирилган тақдимнома киритиш;

силлабуслар, баҳолаш топшириқлари, магистрлик диссертациялари, илмий мақолалар, ўқув адабиётлари ва бошқа материалларда академик ҳалоллик талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

сунъий интеллект воситаларидан таълим ва илмий фаолиятда масъулиятли фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш;

ҳар ўқув йили якунида Академияда академик ҳалоллик ҳолати бўйича таҳлилий ҳисобот тайёрлаш;

ўқув ва илмий адабиётларни Академия ва республика танловларига тавсия қилиш бўйича Академия ректорига таклиф киритиш;

ўқув ва илмий адабиётлар, шу жумладан, хорижий адабиётлар фондини мунтазам янгилаб бориш юзасидан тавсиялар бериш;

хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тегишли тавсиялар тақдим этиш;

муаллиф ва муаллифлар жамоаси томонидан ўқув адабиётлар чоп этилишини мувофиқлаштириш;

профессор-ўқитувчиларни доцент в.б. ва профессор в.б. лавозимларига тавсия этиш бўйича Академия кенгашига таклифлар киритиш;

Академия профессор-ўқитувчиларини Академия ва республика танловларига, фахрий унвонларга ҳамда давлат мукофотларига тавсия этиш бўйича Академия ректорига таклиф киритиш;

Тингловчи ва магистратура талабаларини турли грант ва стипендияларга тавсия этиш бўйича Академия ректорига таклиф киритиш;

ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив таълим услубларини кенг қўллаш бўйича таклифлар тақдим этиш.

13. Кенгаш ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ваколатларга эга:

академик ҳалоллик ва тадқиқот этикасига оид ички қоидалар, йўриқномалар, намунавий декларациялар ва услубий тавсиялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

академик ҳалоллик бузилишига оид мурожаатлар ва хабарларни кўриб чиқиш;

заруратга кўра эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

профессор-ўқитувчилар, тингловчилар, магистрантлар ва ходимлардан кўриб чиқиладиган масала юзасидан ёзма тушунтиришлар олиш;

антиплагиат текширувлари, АИдан фойдаланиш таҳлиллари, эксперт хулосалари ва бошқа далилларни ўрганиш;

академик ҳалоллик бузилиши аниқланган ҳолларда ректорга тегишли таъсир чораларини қўллаш ҳақида тақдимнома киритиш;

академик ҳалоллик бузилиши аниқланмаган ҳолларда ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш;

академик ҳалолликни таъминлаш бўйича профилактик чоралар юзасидан Академия таркибий бўлинмаларига тавсиялар бериш;

йиллик ҳисобот ва таҳлилий маълумотларни Академия Кенгашига киритиш;

ўқув адабиётлари ва бошқа илмий нашрларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш, уларни тайёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўқув адабиётлари ва бошқа илмий нашрларни экспертизадан ўтказиш мақсадида тегишли соҳа мутахассисликлари бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этиш ҳамда мавжуд талабларга мос бўлган ўқув адабиётлари ва бошқа илмий нашрларни чоп этиш учун нашрга тавсия этиш;

нашр этишга рухсатнома олинishi талаб этиладиган ўқув адабиётларни ва илмий нашрларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш ва уларни нашрга тавсия этиш учун Академия кенгашига тақдим этиш;

хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини тайёрлаш ҳамда хорижий ўқув адабиётларини таржима қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва заруратга кўра Академия кенгаши ёки ректорга таклифлар киритиш;

хорижий ўқув адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича Академия ректорига тавсия киритиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

III. Кенгаш ишини ташкил қилиш

14. Кенгашнинг йиллик иш режаси ҳар ўқув йили бошида ишлаб чиқилади, Кенгаш мажлисида муҳокама қилинади ва Академия Кенгаши томонидан тасдиқланади.

15. Кенгаш иш режаси бажарилиши устидан умумий назорат Кенгаш раиси томонидан амалга оширилади.

16. Кенгаш иш режасини бажарилиши бўйича маълумотлар Кенгаш котиби томонидан умумлаштирилиб борилади.

17. Кенгаш иш режасига мувофиқ кенгаш мажлиси кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалалар юзасидан барча зарур материаллар тақдим этилгач, Кенгаш котиби мажлис кун тартиби лойиҳасини тузади ва тасдиқлаш учун Кенгаш раисига тақдим этади.

18. Кенгаш мажлиси ўтказиладиган кун, вақт ва жой, шунингдек, кун тартиби Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

19. Кенгаш мажлиси кун тартиби Кенгаш мажлисидан камида уч кун олдин аъзоларга ва Кенгаш раисининг топшириғига мувофиқ бошқа шахсларга етказилиши лозим. Кенгаш аъзоси навбатдаги мажлисда узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган тақдирда, бу ҳақида Кенгаш котибини дарҳол хабардор қилиши шарт.

20. Кенгаш мажлислари заруриятга қараб ўтказилади. Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан, Кенгаш аъзоси бўлмаган Академия проректорлари, таркибий бўлинма раҳбарлари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, олий таълим муассасаларининг малакали мутахассислари ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Кенгаш фаолиятига белгиланган тартибда ҳамкор хорижий ташкилотларнинг, хусусан, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг етакчи олимлари ва малакали мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

21. Кенгаш мажлисига Кенгаш раиси бошчилик қилади. Кенгаш раиси йўқлигида унинг вазифасини Кенгаш раиси ўринбосари амалга оширади.

22. Кенгаш мажлисида аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

23. Кенгаш мажлисида кўриб чиқилган масалалар бўйича оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилинади. Кенгаш аъзоси ўзига ёки

тадқиқот гуруҳига тегишли масалалар муҳокама қилинганда қарор қабул қилиш жараёнида бетараф ҳисобланади.

Кенгашда овоз бериш Кенгаш аъзолари таклифига кўра ёпиқ овоз бериш тартибида ўтказилишига рухсат этилади.

24. Кенгаш мажлисида Кенгаш котиби томонидан баённома юритилади. Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган барча масалалар, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар Кенгаш мажлиси баённомасига киритилиши лозим.

25. Кенгаш мажлиси баённомаси беш иш куни ичида Кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланиши лозим.

26. Кенгаш аъзолари ва юқори илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар таркибидан долзарб ўқув-услубий вазифаларни ҳал этиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқадиган ишчи ва эксперт гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

IV. Кенгашнинг ҳисобдорлиги ва унинг аъзоларини моддий рағбатлантириш

27. Кенгаш раиси ҳар ўқув йили якуни бўйича Академия Кенгашига Кенгаш фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

28. Кенгаш аъзоларига ҳар ўқув йили якуни бўйича Кенгаш раиси тақдимида кўра Академия ректори томонидан моддий рағбатлантирилиши мумкин.

29. Мазкур Низомда назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, Академия Низоми, Академия Кенгаши қарорлари ва Академиянинг ички ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.